

ТАРИХЧИ ОЛИМ ВА КУРАШЧИ ЭДИ

Сарқитбек Имашев 1943 йили Қозоғистонда Ер жаннати деб ном олган Еттисувда дунёга келган эди. Бўлғуси олим ва курашчи мактабни тугатгандан кейин Санкт Питербург университетининг тарих факультетига ўқишга кириб уни муваффақиятли тугатди. Тақдир уни бу шаҳарга боғлаб кўйди. У ўн йилга яқин Ленинград(Санкт Питербург)даги ССР фанлар академиясининг Шарқшунослик бўлимида ишлади.

Санкт Питербургда олган билимлари унинг кейинги ҳаёти ва ижодида муҳим рол ўйнади. У Қозоғистонга келиб, турли нашриётларда муҳаррир, бўлим мудири сифатида фаолият юритаркан, ўз билимини китобларга сингдиришга ҳаракат қилди. Кейинчалик, Сарқитбек Имашевнинг ўнлаб мақолалари, "Шажара сири", "Занги бобо", "Алаш ҳақида", "Чингизхон ҳакида ҳақиқат ва ёлғон", "Сийирши" сингари қатор китоблари дунёга келди. У туркий халқларнинг келиб чиқишини кўплаб диний ва таҳрик и тоба р да н, Птолемеј асарларидан, "Таврот"дан ва хитой манбаларидан фойдаланиб, жой номлари, тоғ ва водийларнинг отларидан келиб чиқиб, туркий халқларнинг тарихи 3,5,4 минг йилларни бўйлашини исботлади. Шунингдек, Сарқитбек Имашевнинг Сир, Аму дарёлари ва уларнинг бўйида яшаган халқлар асосан туркийлар бўлганлиги ҳақидаги фикрлари ҳам ишонарли. Тарихчи олим ўз китобларда Чингиз, Амир Темур, Йилдирим Боязид каби тарихий шахсларга ҳам ҳақоний баҳо берган. Туркийлар бир ота-онанинг фарзандлари деб билган С. Имашев туркий қозоқларнинг кўп йиллик шажарасини яратди. Шу тариқа туркий халқларни камситиб келган Европа олимларининг фикрлари баҳсли

еканлигини, туркийлар, худди яхудийлар, греклар, хитойлар ва ҳиндлар каби қадимиҳо халқ эканлигини ўзига хос тарзда исботлади. Сарқитбек оға олимгина эмас, ўзига хос курашчи эди. С. Имашев ҳали ССР барқ уриб, гуллаб яшиаб турган 70 йилларда, тузумга қарши исён кўтаргандардан бири бўлди. У Питерда яшаган даврида Ўрга Осиё ва Қозоғистон қандай забт этилганини. коммунистлар бу юртларни қай даражада хўрлаганини чукур ўрганганди. Бу билимлар уни мақола ва китоблар ёзишгагина эмас, амалий курашга ҳам унгади. Аммо унга қўшиладиган мардлар топилмади. 70- йиллар бошида У Москва марказида "Туркистонга озодлик беринг!" деб ёзилган мингга яқин варақани тарқатди. Тез орада уни Москва КГБси кўлга олди. Бу ҳаракатлари учун У КГБ ертўлаларида, руҳи исламлар касалхоналарида ётишга мажбур қилинди. Москва КГБси уни Олмаотага жўнатди. С. Имашев қатор дўстлари, журналист ва олимлар, ўз яқинлари кўмагида хибсдан озод бўлди. Аммо тарихчи олим курашини тўхтатмади. Марказий Осиё ва Қозоғистондаги қатағонлар, ерли аҳолининг аҳволи ҳақида китоблар ёзди. Бироқ унинг китобларини босадиган мард ўйқ эди. Ахийри у қўлёзмаларини чет элларда бостиришга

Академиянинг кутубхонасидаги қадимиҳо қўлёзмалар билан чўқур танишган ёш олим, Марказий Осиё ва Қозоғистон тарихи билан астойдил шуғулана бошлади. У қанча кўп ўқиган сайн туркий халқлар тарихи баъзи бир Европа қадимшунослири айтганидай 800,900 йил эмас, 3 минг йилдан ошиқ эканлигига амин бўла бошлади.



умид қилди. 390 бетлик қўлёзмасини чет эл фукаролари ёрдамида "Озодлик" радиосининг қозоқ шуъбасига етказа олди. Аммо узоқ йиллар ўтсада, бу қўлёзмасининг тақдирини билолмади. Курашчи олим ўзининг асосий ишларидан бўлган қўлёзмасининг китоб бўлганини кўролмай армонда кетди. С. Имашев қўрқмас ва толмас курашчилардан бири эди. 1986 йили Динмуҳаммад Кунаев халқнинг ион ихтиёрисиз Колбинга алмаштирилганда у ёшларга етакчи бўлиб майдонга чиқди... Бунинг учун ҳам турли тазиикларга учради. Сарқитбек Бектош ўғли Имашев 5 йилгина олдин нафақага чиқиб, тинч ижодий меҳнатини давом эттираётган эди. Шафқатсиз ўлим, толмас курашчи, қадимшунос олимни 68 ёшида орамиздан олиб кетди. Аммо унинг хотираси ҳамиша ёдимизда...

Дадаҳон Ҳасан, ҳофиз ва шоир.
Ботир Норбой – филология фанлари доктори.
Бахтиёр Исабеков – тилшунос олим
Бахтиёр Каримов – профессор.
Гулчехра Нуриллаева – шоира.
Сейтбай Байдуллаев – турколог
Ҳайитбай Абдуллаев – тиббиёт ходими

МАРИНИКА БАБАНАЗАРОВА: "ОДАМЛАР САВИЦКИЙДЕК БУЮК ШАХС ҲАҚИДА БИЛИШЛАРИ КЕРАК"

Жаҳон бўйлаб "Савицкий коллекцияси" дея танилган Нукусдаги Қорақалпоқ Давлат Санъат Музейи директори Мариника Бабаназарова Лондонда ўз устози Игор Савицкий ҳақида китобининг тақдимотини ўтказди. "Игор Савицкий: рассом, коллекционер, музей асосчиси" дея номланган китобида у Сталин даврида қатағонга учраган ва отилган рассомларнинг минглаб асарларини сақлаб қолиб Нукусдаги музей ертўласида асраган Игорь Савицкийнинг ҳаёти ҳақида хикоя қиласи.

Асли аслзодалардан бўлган Савицкий Иккинчи Жаҳон Урушидан аввал Ўзбекистонга кўчиб ўтган ва ўз коллекционерлик фаолиятини қорақалпоқ осори-атиқаларини ўзишдан бошлаган. У, йиллар давомида Россия ва Ўзбекистонда совет тарғиботи ва совет реализмига тўғри келмайдиган авангارد асарларни тўплаган. Унинг ёрдами билан совет ҳукумати қора рўйхатига тушган рассомларнинг кўргазмалари ўзишрилган. Рассомликдан воз кечиб, ўзга рассомларга ёрдам беришга ўз умрини бағишилаган Савицкий кўпларга ҳали ҳам нотаниш.

"Одамлар бу буюк шахс ҳақида билимга эга бўлишлари керак деб ўйлайман. У шундай бир музей яратганки, у ҳақида буғунда кўп одамлар, санъат шинавандлари гапиришмоқда, унга рус авангارد санъатининг оврўподаги тадқиқотчилари ҳам юксак баҳо беришган. Шундай бир ҳолат юзага келганки, у йиққан асарлар ҳақида жуда кўп гапирилади ва олқишиланади, лекин Савицкийнинг ўзи ҳақида нотўғри маълумот ва афсоналар юзага келган. Лекин, китобни фақат шу сабабдан ёзганим ўйқ. Уни баривир ўзиш керак эди. Чунки мен совет даврида яшаб туриб, шундай асарларни йиға олган бошқа шахсни билмайман. Унинг босиб ўтган ҳаётий йўли ноёбдир...", дейди Мариника Бабаназарова:

Қорақалпоғистонлик академик Марат Нурмуҳамедовнинг қизи бўлмиш Бабаназарова ўз боболарининг тақдирни ҳам Савицкийнинг тақдирни каби бўлганлигини, 1984 йили устозидан музейга раҳбарликни қабул қиласиганини, бу коллекцияни кўп қийинчиликлар билан асрар қолганини эслатади.

Журналистнинг: Аммо, сиз раҳбарлик қиласиган коллекция

миллионлаб долларга сотилиши мумкин. Уни қўриқлаш осон бўлмаса керак? – деган саволига: Албатта, мутлақо тўғри. Савицкий коллекцияси умуман қабул қилинмаган бир даврдан бирданига модага кирди. Бу ўзгаришлар кўз ўнгимизда юз берди. Музейимиздаги рассомлар асарлари учун халқаро аукционларда қанча пул тўлаётгандарини жуда яхши биламиш. Четдан келадиган меҳмонлар "Мана бу асарингиз қанча туришини биласизми ўзи?" деб сўраб қолишиади. Биламиш. Шунинг учун ҳам бу коллекцияни ҳимоя қилиш осон эмас. Мен занжирдаги қўриқчи итдек коллекцияни ҳимоя қиласман.

Мариника Бабаназарова Би-би-сининг: оғир экологик шароитда Савицкий коллекциясини асрар муаммолари ҳақидаги саволига қўйидагича жавоб берган: Албатта, бу вазият асарларнинг хавфсизлигига таъсир қилмай қолмайди, лекин биз экологик инқизорзининг оқибатлари таъсирини юмшатиш йўлида қўлимидан келганини қиласигиз. Сувда тузнинг миқдори катта, ҳаво жуда қуруқ, ҳарорат юқори бўлади. Биз сувни, ҳавони тозаловчи ускуналарни ишга солаяпмиз, ҳароратни маромида ушлашга уринаяпмиз. Қорақалпоғистон, албатта, жаҳондаги энг яхши жой эмас. Иқлим жуда бераҳм. Лекин, менимча, мени у ерда музей ушлаб турибди. Усиз қаерга ҳам борардик. Яшайпмиз. Тақдиримиз шу.

